

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Комилжонов Мухриддин Музаффар ўғли

Банк молия академияси
магистратура тингловчилари

Яхяхонов Дилмурод Хусанович

Банк молия академияси
магистратура тингловчилари

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатлар иқтисодий ўсиши ундаги корпорациялар, холдинглар, корхоналар, акционерлик жамиятлари кабиларнинг ривожланиш даражаси ва бошқарув усулларига боғлиқлиги ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар. Корпорациялар, холдинглар, акциядорлик жамиятлари, корпоратив бошқарув, корпоратив бошқарув тизими, корпоратив бошқарув механизми.

Аннотация

В этой статье были выдвинуты мнения о том, что экономический рост стран зависит от уровня развития и методов управления в нем корпорациями, холдингами, предприятиями, акционерными обществами.

Ключевые слова. Корпорации, холдинги, акционерные общества, корпоративное управление, система корпоративного управления, механизм корпоративного управления.

Annotation

In this article, opinions were put forward that the economic growth of countries depends on the level of development and management methods of corporations, holdings, enterprises, joint-stock companies in it.

Keywords. Corporations, holdings, joint-stock companies, corporate management, corporate management system, corporate management mechanism.

Халқаро амалиётни кўрсатишича, мамлакатлар иқтисодий ўсиши ундаги корпорациялар, холдинглар, корхоналар, акционерлик жамиятлари кабиларнинг ривожланиш даражаси ва бошқарув усулларига боғлиқ. Жаҳон иқтисодиётида

корпоратив бошқарув мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берадиган асосий омиллардан бири бўлиб, ҳозирда ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатларда такомиллашиб бормоқда. Чунки мамлакат корпоратив секторини фонд бозорига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш компаниялардан халқаро стандартларга мос даражадаги корпоратив бошқарувни талаб қилади. Қолаверса, жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодий ривожланишнинг омили сифатида XIX асрда тадбиркорлик, XX асрда – менежмент эътироф этилган бўлса, XXI асрда мамлакат иқтисодий ривожланишини айнан корпоратив бошқарув белгилаб бериши тан олинган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, мулкчилик структураси устувор бўлган мамлакатларнинг жаҳон бозор капитализациясидаги улуши охириги йиллар ичида 20% дан (1998-2002) 34% гача (2013-2015) ошган, бунга асосан ривожланаётган мамлакатлар капитал бозорларининг кескин тараққий этиши сабаб бўлган. Шунинг учун, мамлакат корпоратив бошқарув тизимининг сифати унинг корпоратив сектори рақобатбардошлиги ва динамик ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. [1]

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг давом этаётганлиги сабабли корпорацияларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви, уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги ошиши, корпорациянинг инвесторлар учун инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, корпорация мулкчини бошқаришнинг самарали механизмини яратиш, корпорация мулкдорлари ҳисобланган ва уни бошқаришда иштирок этаётган барча молиявий манфаатдор шахсларнинг манфаатлари мувозанатини сақлаш, йирик ташкилотларда эгалик қилиш ва бошқариш функцияларининг ажратилиши, интернетга асосланган иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан шаклланиши ва ривожланиши жаҳонда корпоратив бошқарув муаммоларини ўрганиш долзарблигини билдиради. Шунингдек, мазкур жараёнлар мамлакатимизда ҳам кечаётганлигини инобатга олиб, корпоратив бошқарув тизими ва механизмларини такомиллаштириш борасида чуқур тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида сўнги йилларда корпоратив бошқарувга оид ислохотларнинг чуқурлашуви юз бермоқда, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” ва 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида “корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини халқаро

тажрибани инобатга олиб жорий этиш” бўйича устувор вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши бу борада муҳим изланишларни олиб бориш ва акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини замонавий халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, “корпоратив бошқарув” атамаси биринчи марта Р.Иллс томонидан “корпоратив тузумнинг структураси ва фаолияти” моҳиятини очиб бериш учун қўлланилган. Хорижий муаллифлардан биринчи бўлиб Сэр Адриан Кэдбери 1992 йилда Cadbury ҳисоботида корпоратив бошқарувга қуйидаги таърифни берган: “Корпоратив бошқарув – бу шундай тизимки, унинг ёрдамида бизнес бошқарилади ва назорат қилинади” [2]. Америкалик иқтисодчи олимлар Р.Монкс ва Н.Миноу корпоратив бошқарувни “корпорация ривожланиш йўналиши ва фаолият кўрсаткичларини белгилаш жараёнида турли иштирокчилар (бош ижрочи директор, раҳбарият, акциядорлар, ходимлар) ўртасидаги муносабат”[3] сифатида талқин қилишган. Олимлар К.Жон ва Л.Сенбет ўзларининг тадқиқотларида таъкидлашадики, корпоратив бошқарув шундай механизмлардан ташкил топганки, улар ёрдамида корпорация фаолияти иштирокчилари корпоратив инсайдерлар ва менежерлар устидан уларнинг манфаатлари бузилишига қарши назоратни олиб боришади [4]. Демак, корпоратив бошқарув тушунчаси кўп жиҳатли ва турли талқинларни ўз ичига олган тушунча эканлиги, ушбу тушунча негизида эса хилма-хил, кўпинча қарама-қарши бўлган ва табиатан ўзаро боғланмаган қарашлар, ғоялар, тамойиллар, нуқтаи-назарлар мавжудлиги аниқланди.

“Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми – бу корпорацияни бошқариш тизимида иштирок этувчи бошқарув субъектлари (корпоратив бошқарув органлари) нинг самарали корпоратив қарорларини қабул қилишда ўзаро таъсирини белгиловчи ташкилий омиллар ҳамда бошқарув субъектлари томонидан ушбу корпорациянинг самарали фаолиятига иқтисодий таъсир этиш усуллари, дастаклари ва шакллари мажмуидир”. Ҳар бир механизмнинг ўз функциялари бўлгани каби корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми ҳам муайян функцияларни бажариши, яъни механизм элементларини ҳаракатлантирувчи кучлари бўлиши лозим. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, биз функционал ёндашув асосида корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизмининг қуйидаги асосий асосий функцияларини аниқладик:

- бошқарув ва назорат органлари ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;
- корпоратив муносабатларни тартибга солишни расмийлаштириш;
- инвестицион ва инновацион фаолиятни ривожлантириш;
- бизнесни шаффофлигини ва жамият билан унумли алоқасини таъминлаш;
- иқтисодий ривожланиш стратегияси ва фаолият барқарорлигини таъминлаш;

- акциядорлик капитали самарадорлигини ошириш;
- бошқарув структурасини такомиллаштириш;
- корпоратив маданиятни шакллантириш.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувни ривожлантиришга оид қабул қилинган ҳукумат қарорлари асосида республика АЖ лардаги вазиятда шундай тенденцияни кузатиш мумкинки, иқтисодиётдаги АЖ лар сонини камайиб бориши билан уларнинг устав фонди ҳажми тескари пропорционалликда ортиб бормоқда. Бу эса, фикримизча, АЖ ларининг активлари мамлакат иқтисодиётининг ўсиши билан салмоқли ошиб бормоқда, деб хулоса қилишга имкон берди.

Охирги йилларда турли ҳукумат қарорлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан кўпгина АЖларнинг капиталлашув даражасини оширишга эришилди. Бунинг натижасида акциядорлик шаклида энг ликвидли ва инвесторлар учун жозибали йирик корхоналар шаклланди ҳамда ривожланди.

Миллий корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараёнларига қарамасдан, мазкур тадқиқот доирасида корпоратив бошқарув соҳасида ҳанузгача айрим муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар мавжудлиги аниқланди. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корхоналарни бошқаришда эскирган маъмурий-режали ёндашувлар сақланиб қолиниши оқибатида акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув шартларини бажаришга ҳанузгача расмиятчилик билан қаралмоқда;
- акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг фаолияти (айниқса, давлат иштироки бўлган акциядорлик жамиятларида), уларнинг корхонани стратегик ривожлантиришдаги роли деярли сезилмайди, кузатув кенгашлари аъзолари етарли билим ва малакага эга эмас;
- устав капитали ва ҳажмига нисбатан ортиқча ва самарасиз талабларнинг мавжудлиги (мас. устав капитали энг кам миқдори 400 минг АҚШ доллариға тенг суммадан кам бўлмаслиги ҳамда хорижий инвесторлар улуши камида 15% ни ташкил этиши кераклиги) акциядорлик жамиятлари ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, уларнинг мулкчилик шаклини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда;
- республика фонд бозори ва корпоратив бошқарув ўртасидаги узвий боғлиқлик йўқ, фонд биржасининг самарали корпоратив бошқарувни ривожлантириш, корпоратив бошқарув стандартларини тарғиб қилишдаги роли сезиларсиз;

- акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлиги пастлиги туфайли уларнинг акция пакетларини, шу жумладан давлат улушларини сотишда хорижий инвесторларни жалб қилишнинг қийинлиги;

- акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияси салоҳиятидан фойдаланиш даражаси жуда паст;

- Корпоратив бошқарув кодекси жуда жўн ишлаб чиқилган, унинг тавсияларига риоя этишнинг методик жиҳатлари таъминланмаган.

Ўйлаймизки, юқорида аниқланган муаммолар ва масалаларни ҳал этмасдан туриб, корпоратив бошқарув тизимини кейинги даврда ривожлантириш, қолаверса, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат рақобатбардошлигига эришиш жараёни қийинлашиши мумкин. Шу боис, ушбу тадқиқотда корпоратив бошқарув миллий тизимини кейинги ривожлантириш, шу жумладан, уни халқаро стандартлар (яъни G20/ИХТТ нинг корпоратив бошқарув тамойиллари) асосида такомиллаштириш истиқболларини белгилаб берувчи бир қатор йўналишлар таклиф этилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ашуров З.А. Акционерлик корхоналарда корпоратив бошқарувни ривожлантириш. Автореферат (PhD), ТДИУ, 2019
2. Cadbury A. The Report of the Committee on the Financial Aspects of Corporate Governance (Cadbury Report). – London: Gee Publishing Ltd., 1992
3. Monks R. and Minow N. Corporate Governance. – Cambridge, MA: Blackwell Publishers, 1995. – 576 p.
4. John K and Senbet L.W. Corporate Governance and Board Effectiveness // Journal of banking and finance. - 1998 – No.22 (4). - P.371-403
5. www.lex.uz
6. www.wikipedia.org
7. https://studbooks.net/52411/menedzhment/mehanizmy_korporativnogo_upravleniya
8. https://bstudy.net/629179/ekonomika/standarty_korporativnogo_upravleniya
9. https://ru.wikipedia.org/wiki/Корпоративное_управление